20 ИЮН 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 139 (20. 706) • 1990 йил 20 июнь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Россия коммунистларининг анжумани очилди

Москва. 19 июнь. (ТАСС). Россия партия конференцияси Россия Компартияси тузиладими ёки йўқми? — деган асосий саволга жавоб қайтариши керак. Бу конференция Москвада Кремлнинг Съездлар саройида очилди. Россия федерацияси коммунистларининг анжуманини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, КПСС Марказий Комитети Россия Бюросининг Раиси М. С. Горбачев очди. Делегатлар ҳозирги пайтдаги аҳволни ва РСФСР Компартиясини тузиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан ташқари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларини кўриб чиқишлари, қайта қуриш ўртага қўйган бир қанча долзарб муаммоларни ҳал қилишлари керак. КПССдаги тангликни қандай бартараф этиш лозим, партиядаги жипслашувнинг қандай йўллари бор, бўлиниш муқаррарми ёки Россия партия конференциясининг ўзи коммунистларни бирлаштирувчи қудратли куч бўлиб қоладими? Миллион-миллион партиялилар оммаси, бутун мамлакатимиз мана шу саволларга, бошқа кўпгина саволларга жавоблар кутмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида АХБОРОТ

19 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

«Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси депутат П. Қ. Ҳабибуллаев маъруза қилди. Халқ депутатлари лойиҳани асос учун қабул қилдилар ва комиссияга айтилган мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, уни Олий Совет тасдиғига киритишни таклиф этдилар.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети таркибини муҳокама қилиш натижасида унинг раиси Ш. З. Ўразаевга номзодларни депутатларнинг кенгроқ доираси иштирокида яна бир марта муҳокама қилишни топширишга ва уларни Олий Совет тасдиғига тақдим этишга топширишга қарор қилинди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовга сўз берилди. У республика ҳукумати бошқариб турилади-диган бозор иқтисодиётига ўтиш борасида кўраётган тадбирлар тўғрисида халқ депутатларига ахборот берди; саволларга жавоб қайтарди.

Хабарни ахборот учун қабул қилган депутатлар бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтишга доир концепцияни охиригача ишлаб чиқишни ва у тайёр бўлиши билан Олий Совет муҳокамасига тақдим этишни ҳукуматга топширдилар.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг раиси депутат Х. М. Усмонова СССР Олий Советининг «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳақида маъруза қилди.

Кундузги мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров очди.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг маърузаси юзасидан бўлган мунозараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари О. Ж. Маматова, Т. М. Тўлаганова, М. Холмуродова, А. А. Қаландаров, П. Ражабова, А. Б. Емельянов, З. Рўзматова, М. С. Хўжаев, Ш. М. Норбоева, С. Р. Сафарова, Б. Н. Белоусов, У. М. Аҳмаджонов, Х. М. Суннатова, П. П. Мельников сўзга чиқдилар.

Олий Совет мазкур масала юзасидан тайёрланган қарор лойиҳасини асос учун қабул қилди. Комиссияга киритилган таклифларни умумлаштириш ва уни депутатлар тасдиғига тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзининг биринчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунини ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар тўғрисида қабул қилган қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот берди.

Муҳокамада депутатлардан А. Носиров, В. Р. Ниёзматов, А. И. Захаров, Ғ. З. Заҳриддинов, С. Ш. Мирзаев қатнашдилар. СССР Олий Советининг Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети раисининг ўринбосари, СССР халқ депутати В. Н. Очиров ушбу масала юзасидан сўзга чиқди.

Депутатлар хизмат вазифасини бажараётиб ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хотирасини ёдга олдилар ва уларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. М. М. Мирқосимов жумҳурият халқ назорати комитетининг раиси этиб сайланди.

Ҳукумат бошлиғининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши таркибига баъзи ўзгартишлар киритилди. Жумҳурият давлат ҳакам комитети раисининг ўринбосарлари ва коллегиясининг аъзолари тасдиқланди. Ўзбекистон ССР олий суди раисининг биринчи ўринбосари тасдиқланди, жумҳурият Олий судининг баъзи аъзолари сайланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.







Сессия залида. Етти ўлчаб, бир кес...

Суратларни В. МОЛҒАЧЕВ олган.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ МЕҲНАТ ҲАЁТИ

Дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариб

● **Жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлигининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган Андижон вилоят бирлашмаси шаҳар янги саноат комбинати Андижонда-ги собиқ автобаза ҳудудида жойлашди.**

Бу ерда бинолар хўжалик усули билан тубдан таъмирлангач, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарила бошланди. Яқиндагина ўрта мактабларни тугатган эллик нафар қиз меҳнат қилаётган трикотаж цехи биринчилардан бўлиб маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Цехда жун пайпоқлар, бош кийимлар, болаларнинг тўқилган кийимлари тайёрланмоқда. Бу ерда яна 130 та тўқув ва тикув машиналари ўрнатилиб бўлинмоқда.

Саноат комбинатининг қўшни цехида қўлда тўқилган хонатлас чиқарадиган тўқув дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Мазкур ишлаб чиқаришга камида юз нафар ходима керак бўлади.

Пилла тортиш цехи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Цех маҳаллий хом ашёдан — вилоят пилла қуритиш корхоналари чиқиндиларидан фойдаланади.

Бу йил комбинат жамоаси бир миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни режалаштирган.

«Баҳор» мебели

● **Жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлиги «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси савдо тармоқларига ошхоналар учун махсус тайёрланган «Баҳор» мебелларидан 1860 тасини юборди.**

«Баҳор» мебеллар туркумини кичик ошхонага жойлаштириш мумкин. Унинг таркибига стол, ўриндиқлар, идиш ювгич, кундалик юмушда ишлатиладиган катта ва кичик жавон-столлар киради. Унинг нархи нисбатан арзон — 316 сўм туради, шу сабабли мазкур мебель туркуми харидоргир бўлиб қолди. Бу «Комфорт» бирлашмаси ишлаб чиқараётган ошхона ашёларининг бешинчи хилидир. Йил охирига қадар корхонада 42 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланади. Бу ерда 20 дан ортиқ номда турли моллар чиқарилмоқмоқда.

Иккинчи касбга меҳр

● **Боғот районидаги Ильич номли колхознинг ўнлаб пахтакорлари ва чорвадорлари иккинчи касбга эга бўлдилар. Бунга деҳқонлар Хива гиламдўзлари билан яқин ҳамдўстликда бўлишлари туфайли эришилди.**

Колхозда Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали очилди. Янги корхона колхоз қурувчилари атайлаб қурган ва турли рангдаги катта-кичик гиламлар тайёрлаш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилган бинога жойлашди.

Ёш жамоа дастлабки кунларданоқ узлуксиз ва бракси-из ишламоқда. Қишлоқ гиламдўзларининг база корхонаси ҳузуридаги курсларда олган билимлари бунга ёрдам бермоқда.

Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасининг худди шунга ўхшаш чоғроқ филиаллари Қўшкўпир, Янгиариқ, Шовот районларидаги колхозларда ҳам яхши ишлаб турибди.

(ЎзТАГ мухбири).

КПСС XXVIII съезди олдидан

● **КПСС XXVIII съезди иш бошлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Жумҳуриятимиз меҳнат аҳли унга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ана шу анжуманга тайёргарликнинг таркибий қисми бўлди. Унда қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, жумҳурият суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, янги сиёсий системада жумҳурият Компартиясининг ўрни ва мавқеи белгилаб олинди. Ҳозир съезд делегатлари ўз меҳнат жамоаларида ҳамкасблари билан учрашувлар ўтказиб, съездда кўтарилган масалалар ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни тушунтириб бермоқдалар. Йиғилишларда меҳнат кишилари сўзга чиқиб, ўз жамоалари ҳамда район ва вилоят олдида турган вазифалар, муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритмоқдалар. Ушбу йиғилишларда КПСС XXVIII съезди делегатларига наказлар ҳам берилаётир. Мухбиримиз яқинда мамлакат коммунистларининг ана шу анжуманида қатнашадиган делегатлар билан учрашиб, съездга тайёргарликнинг бориши ҳақида суҳбатлашар экан, қуйидаги саволларга жавоб беришни илтимос қилди.**

— СИЗ КПСС XXVIII СЪЕЗДИДАН НИМАЛАРНИ КУТЯПСИЗ ВА УНГА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БОР? ПАРТИЯ ИШИНИ, БУТУН ҲАЁТИМИЗНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ҲАҚИДАГИ ФИКРИНГИЗ?

А. АНОХИН, Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг директори:

— Съездга тайёргарликнинг ҳозирги аҳволи, олиб борилаётган мунозаралар пайтида айтилаётган қарамақарши фикрларнинг ниҳоятда кўпайиб кетгани партиямиз олий анжумани бу гал жуда ҳам қизғин баҳслар ва тортишувлар билан ўтишидан далолат бермоқда. Суҳбатлар ва учрашувларда турли хил тахминларни эшитишга ҳам тўғри келяпти. Хатто съезд партия тақдири ҳал бўладиган охирги имконият, агар аҳвол ҳозирги тарзда давом этадиган бўлса, сиёсий инқироз юз бериши тайин, деган гаплар ҳам бўляптики, булар ҳар бир коммунистни, айниқса ана шу коммунистлар ишончи билдирган съезд делегатларини ташвишга солмай қўймайди.

Мен съезд делегати сифатида жумҳуриятимиз Компартияси XXII съезди қабул қилган резолюцияни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, унда алоҳида урғу берилган КПССни парчалаб юборишга ҳар қандай уринишларга узил-кесил зарба бериш билан бирга партия

Делегат сўз сўрайди

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

ичида ўзаро жипслик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик бўлишини таъминлашни ёқлаб овоз бераман ва бу ишда шахсан иштирок қиламан. Зеро, якдиллик ва жипслик бўлган ерда ҳамиша ишда ривож ва барака бўлади. Менинг съезддан кутганим ҳам, съездга таклифларим ҳам ана шу.

Энди қайта қуришнинг ҳозирги аҳволи ҳақида. Гапнинг очиғига кўчадиган бўлсам, партия ишини тубдан қайта қуриш ва янгилашнинг ҳозирги даражаси ҳамма қатори мени ҳам жиддий ташвишга солиб турибди. Марказий Комитетнинг XXVIII съездга Ҳаракат дастури лойиҳасини жуда ҳам синчиклаб ўқиб чиқдим. Унда партияни янгилашнинг туб моҳиятлари батафсил ўз ифодасини топган. Бироқ ҳамма гап — ана шу вазифаларни амалга оширишда. Хўш, биз шу йўналишдаги тадбирларни тўла ва узил-кесил рўёбга чиқара оламизми? Бунга аниқ жавоб бериш учун қайта қуриш йиллари деб ном олган босиб ўтилган беш йиллик йўлга қарашнинг ўзи кифоя қилади. Биз даставвал қайта қуриш узоғи билан икки-уч йилда амалга ошириб бўлинади, деб айтдик. Бироқ кутилган натижага эришилмади. Кўп соҳаларда иш эски қолип — эски андозадан чиқмай қоларди. Барча иш усул ва услубларимизни янгилаймиз, дедигу аммо эскича ишлашда давом этдик. Масалан, партия комитетлари айрим ходимлари ишини олайлик. Улар сиёсий хотиржам яшаш даври аллақачон ўтиб кетганлиги билан асло келишолмаяптилар. Ҳали ҳам иш кабинетларидан чиқмай, оммадан узоқда туриб маъмурий-буйруқбозлик асосида иш юритишга зўр бераётирлар. Холбуки меҳнат кишилари партия аппарати ходимларини конференциялар, пленумлар ва йиғилишлардагина эмас, шу билан бирга ўзлари ишлаётган жойларга келиб, яқин мулоқотда бўлишларини ҳам хоҳлайдилар. Бошқача айтганда ана шу ходимлар ким эканлигини, улар қандай нафас олаётганлигини, уларнинг позицияси қандайлигини билишни жуда-жуда истайдилар. Сирасини айтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия съездига Сиёсий маърузасида омма билан алоқасини йўқотган партия ташкилоти ва партия ходими раҳбарлик мавқеини ҳам йўқотиб қўяди, деб жуда тўғри гапирилди. Шундай экан, ҳар бир партия ходими коммунистлар партияси бу аввало, ишчилар синфининг илғор, уюшган отряди эканлигини ёдда тутишлари лозим ва партиянинг обрў-эътибори энг аввало, ўзларининг хатти-ҳаракатлари ва фаолияти билан узвий боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этишлари, агар зарур бўлса кенг ошкоралик ва демократия талаб этганидек омма ўртасида ишлашни янгидан ўрганиб олишлари лозим.

Партия ҳамма вақт ишчилар синфининг илғор отряди бўлиб келди. Мен КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини ўқир эканман, ана шу ҳужжатларга мувофиқ партия ишчилар синфиникими ёки халқникими эканлигини тушунолмай қолдим. Хўш, партия Устави лойиҳасида айтилганидек, агар халқники бўлса унда халққа кўп партиявийликнинг нима кераги бор? Биз коммунистлар партиясимиз, деймиз. Ваҳолонки, «коммунизм» сўзининг ўзи Устав лойиҳасида умуман эсланмаган. Аммо партиянинг олий нияти коммунизм қуриш. Бизга шундай деб таълим бериб келишган. Инсоният барибир ана шу жамиятга боради. Демак, партия Уставидан коммунизм сўзини олиб ташлаб хатога йўл қўймадикмикан? Шу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак.

Мен партиянинг ташкилий қурилишида демократик централизмнинг тарафдориман. Агар биз ана шу принципдан воз кечсак, партиянинг бўлиниб кетишига, уни қандайдир кўнгиллилар жамиятига айлантирмаймизми, деган савол пайдо бўлади. Биз бунга сира ҳам йўл қўймаслигимиз, унинг мустаҳкам, жипслашган ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлишига эришишимиз керак. Зеро, КПСС ўз номи билан бугунги кунда қайта қуришнинг тимсоли, уни давом эттирувчи ягона куч. Мамлакатимизда Коммунистик партия сингари етакчи бошқа куч йўқ. Ўзининг янги партиялар деб атаётган турли хил уюшмалар эса сиёсий ҳаракат ва ҳиддий эмас, халқ уларнинг ортидан эргашмайди.

Энди иқтисодиёт ҳақида. Жумҳурият Компартияси XXII съезди бу соҳадаги ишни ўнглаб олишнинг аниқ амалий тадбирларини ишлаб чиқди. Чиндан ҳам агар иқтисодиёт барқарорлашмас экан, партия ташкилотлари олиб бораётган иш ҳеч нарсага арзимай қолади. Гапнинг сирасини айтадиган бўлсак, ҳозирги вақтда бизнинг ниҳоятда катта, аммо камсамарали механизмимиз зўрга ишламоқда. Мамлакат миқёсидаги аҳвол ана шундай. Агар иқтисодчларнинг гапига қулоқ солинадиган бўлса, улар жаҳоннинг ривожланиш тажрибаси — иқтисодий ривожланишда юксак даражага эришишнинг бозорни шакллантиришдан бошқа йўли йўқ, деб айтмоқдалар.

Тўғри, тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш бу реалликдир. Ундан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин унга қандай ўтиш мумкин? Биз бунга тайёрмизми? Ҳамма гап ана шунда. Мен ҳеч қандай регионал хўжалик ҳисоби бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Буларнинг ҳаммаси ўйлаб топилган гаплардир. Хўжалик ҳисоби асосий ишлаб чиқариш фондларига эга бўлганлардагина қўлланилиши мумкин. Бу — ишлаб чиқариш коллективларидир. Албатта, хусусий мулкчилик негизида бозорни шакллантириш мумкин, бизда оз бўлса ҳам шундай иш қилинмоқда. Лекин буни тўғри йўл деб бўладими?

Мен меҳнат жамоаларининг тўла иқтисодий мустақил бўлиши тарафдориман. Ишчи ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайини бўлиши керак. Хўжайинлик ҳиссига эга бўлган киши эса ҳеч қачон ёмон ишламайди. Барча қийинчиликлардан халос бўлишнинг воситаси бўлмаса ҳам ижара пудратига дадиллик билан ўтиш фақат фойда келтириши мумкин. Сўнгра коллектив бўлиб сотиб олиш йўли билан бутун жамоа корхонанинг эгаси бўлиб қолади. Шу тариқа давлатнинг мутлақ мулк эгалигини тугатиб, уни том маънодаги халқ мулки бўлишига эришамиз. Ижара шундай вазиятни вужудга келтирадики, у бозор муносабатларига суқулиб киришга уринадиган турли хил марказий ва жумҳурият хўжалик тузилмалари фаолиятига барҳам беради.

Шу ўринда мен фақат юксак самара билан ишлайдиган корхоналаргина бозор иқтисодиётини кўтара олишини таъкидламоқчиман. Самарадорлик эса энг замонавий техникани жорий этиш ва камсонли кишилар билан кўпроқ иш қилиш демакдир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати рақобатни кўтарадиган бўлиши ва бошқа корхоналар маҳсулотлари билан рақобат қила олиши зарур. Бунинг учун эса энг аввало, илғор технологияни жорий этиш, асбоб-ускуналарни янгилаш, кадрларни қайта ўқитиш, уларни янгича ишлашга ўргатиш керак. Агар ана шуларга риоя қилинмас экан, иқтисодиётни қайта қуриш ва янгилаш, бозор иқтисодиётига ўтиш шиорлигича қолаверади. Мен КПСС XXVIII съездига ана шундай режалар, таклиф ва мулоҳазалар билан борянман.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

Учишни бошқариш маркази, 19 июнь. (ТАСС). Анатолий Соловьев билан Александр Баландиннинг «Мир» комплексидаги космик вахтаси давом этмоқда.

Бугун экипажнинг иш программасида геофизик ва тиббий тадқиқотлар, техник ва технологик эксперименталар ўтказиш кўзда тутилган.

Бортинженер тушдан аввал тиббий текширувдан ўтди. Бундан мақсад «Аргумент» ультратовуш аппаратлари ёрдамида юрак-қон томир системасининг функционал ҳолатига баҳо беришдир. Экипаж командири яқинда шундай текширувдан ўтган эди.

Ер табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программаси доирасида «Табиат-5» фотография комплекси ва КАП—350 топография камерасидан фойдаланиб, мамлакатнинг жанубий районларини туркум суратга олиш мўлжалланган.

Бугунги иш тартибида «Квант—2» қўшимча таъминот модули конструкциясининг пишиқлигига баҳо беришга оид техник эксперимент ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

«Галлар» қурилмасида 120 соатга мўлжалланган эритиш давом этди. Мазкур технология жараёнидан мақсад — вазнсизлик шароитида ярим ўтказгичли материал монокристали рух оксиди етиштиришдан иборат.

Тиббий назорат натижаларига кўра Анатолий Соловьев билан Александр Баландиннинг саломатлиги яхши.

Учиш нормал ўтмоқда.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЪРУЗАСИ

Маърузачи—Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. МИРЗИЁЕВ

Депутат ўртоқлар!

18 февралда номзодларнинг бирортаси ҳам зарур миқдордаги овозларни ололмаган 37 сайлов округида 15 ва 22 апрелда такрорий сайлов ўтказилди. Учта сайлов округида эса бўшаб қолган ўринларга 20 ва 27 майда сайлов ўтказилди.

Мандат комиссияси Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига мувофиқ 40 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ҳаммасининг ваколатларини текшириб чиқди. Улар ҳақида сизларга ахборот беришга рухсат этгайсиз.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этган номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги, сайлов натижалари тўғрисидаги протоколлар ва бошқа ҳужжатлар сайлов қонунига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилганлигидан далолат беради.

Сайловолди тадбирлари очиқ, ошкоралик вазиятида, сайловчиларнинг кенг иштирокида амалга оширилди. Овоз бериш куни сайлов участкаларида, овозларни ҳисоблаб чиқиш ва сайлов якунларини аниқлаш чоғида депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

40 та депутатлик мандатига кўрсатилган 233 номзоддан 214 киши депутатликка номзод қилиб, яъни ҳар бир мандатга 5 тадан ортиқ номзод рўйхатга олинди. 37 округда сайлов муқобиллик асосида ўтказилди.

Сайлов икки босқичда ўтди. 15 апрелда бўлиб ўтган такрорий сайловда 37 сайлов округининг 14 тасида халқ депутатлари сайланди, номзодларнинг бирортаси ҳам сайланмаган 23 та сайлов округида эса 22 апрелда қайта сайлов ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси 15 ва 22 апрелда, 20 ва 27 майда ўтказилган сайловларга якун ясаб, сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди ва уларнинг рўйхатини республика газеталари саҳифаларида эълон қилди.

Сайланган 40 нафар халқ депутатидан 35 нафари олий маълумотли, қолганлари эса ўрта ва ўрта махсус маълумотли. Улар орасида КПСС аъзолари 37 кишини, партиясизлар 3 кишини, хизматчилар 38 кишини, ишчилар 2 кишини ташкил этади. Улар ихтисослиги бўйича қуйидагича тақсимланади: инженер ва техниклар 16 киши, иқтисодчилар 9 киши, қишлоқ хўжалиги ходимлари 7 киши, қурувчилар 3 киши, адабиёт ва санъат ходимлари 4 киши ва 1 киши ҳуқуқшунос.

Бу гал республика халқ депутатлари қилиб фақат эркаклар сайландилар. Улар орасида 7 миллат вакили, шу жумладан 33 ўзбек, 2 рус, украин, тожик, қозоқ, қрим-татар ва яҳудий бор.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, халқ депутатлари сафи янада кенгайди, бу ҳол республика давлат ҳокимияти олий органининг янада самарали ишлаши учун яхши имкониятларни таъминлаб беради. Такрорий сайловни ҳамда бўшаб қолган ўринларга сайловни тайёрлаш ва ўтказиш даврида фуқароларнинг сайловга тааллуқли шикоят ва аризаларини сайлов комиссиялари ўз вақтида кўриб чиқди, улар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Фуқароларнинг сайлов тўғрисидаги қонунни бузиш ҳоллари юз берганлиги ҳақидаги 16 шикоят ва аризасини марказий сайлов комиссиясининг аъзолари текшириб чиқишди, 79-Янгиҳаёт, 239-Яккабоғ, 294-Қўнғирот, 451-Ленинград округлари бўйича текшириш натижалари эса ариза берувчилар иштирокида марказий сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилди.

349-Шўрчи сайлов округида сайлов натижаси бўйича мандат комиссияси аниқ маълумотга эга эмас. Шунинг учун ҳам мандат комиссияси аъзоларидан аниқ маълумотга эга бўлиш учун у ерга комиссия юборди. Бу округ бўйича яқин вақт ичида маълумот берамиз.

Мандат комиссияси марказий сайлов комиссияси тақдим этган барча материалларни қараб чиқиб, 40 та сайлов округининг 39 тасида сайловлар Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунга мувофиқ ўтказилган деган хулосага келди.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, мандат комиссияси сизнинг муҳокамангизга қуйидаги қарор лойиҳасини киритади.

«Ўзбекистон ССР Олий Совети мандат комиссиясининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига мувофиқ қарор қилади: 1990 йил 15 ва 22 апрелда, 20 ва 27 майда сайланган 39 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг:

Самарқанд область ижроком раисининг ўринбосари, Самарқанд область 318-Сочакиболо сайлов округидан сайланган Абдуллаев Раҳматулла;

Тахтакўпир районидаги «Тахтакўпир» совхозининг директори, Қорақалпоғистон АССР 485-Тахтакўпир сайлов округидан сайланган Одилов Оғатой;

Гулистон наслли паррандачилик репродукторининг директори, Сирдарё область 389-Гулистон сайлов округидан сайланган Абляев Сервер Абляевич;

Деҳқонобод районидаги «Ленинизм» совхозининг бош чўпони, Қашқадарё область 211-Деҳқонобод сайлов округидан сайланган Азимов Абдулла;

Ўзбекистон Компартияси Пайариқ район комитетининг биринчи котиби, Самарқанд область 309-Наримонов сайлов округидан сайланган Бойзоқов Сайдулла;

«Чирчиксельмаш» заводининг директори, Тошкент область 77-Комсомол сайлов округидан сайланган Будаев Александр Владимирович;

Яккабоғ йўлларни ремонт қилиш-қуриш бошқармаси бошлиғи, Қашқадарё область 239-Яккабоғ сайлов округидан сайланган Бўриев Искандар;

Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳар 49-Жуковский сайлов округидан сайланган Волков Игорь Георгиевич;

«Голодностепстрой» қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи, Сирдарё область 392-Ховос сайлов округидан сайланган Гамбург Игорь Адольфович;

Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози правлениесининг раиси, Наманган область 264-Шохан сайлов округидан сайланган Ғаффоров Сотиволди;

Туркистон ҳарбий округи махсус бўлимининг бошлиғи, Тошкент область 76-Ленин сайлов округидан сайланган Дёмик Николай Кузьмич;

Давлат суғурта область бошқармасининг бошлиғи Самарқанд область 294-Қўнғирот сайлов округидан сайланган Исроилов Келдиёр;

Оҳунбобоев районидаги кооперативлар кенгашининг раиси, Фарғона область 420-Халқобод сайлов округидан сайланган Каримов Муталлибжон Мадаминович;

Самарқанд область Пастдарғом район партия комитетининг биринчи котиби, Самарқанд область 312-Жума сайлов округидан сайланган Маҳмонов Мусурмон;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Самарқанд область 301-Қорадарё сайлов округидан сайланган Мирсаидов Шукурулло Раҳматович;

Халқ депутатлари Хазорасп район Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси район комитетининг биринчи котиби, Хоразм область 463-Дўстлик сайлов округидан сайланган Муротов Шариф;

Советобод шаҳар ижроқомининг раиси, Андижон область 161-Советобод сайлов округидан сайланган Мусаев Максим Мамадалиевич;

КПСС Марказий Комитетининг газетаси «Советская культура»нинг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири, Тошкент шаҳар 73-Наримонов сайлов округидан сайланган Ниёзматов Вилор (Омонилла) Раҳматуллаевич;

Ўзбекистон Компартияси Оққўрғон район комитетининг биринчи котиби, Тошкент область 82-Алимкент сайлов округидан сайланган Носиров Абдусамат;

Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз бош инженери, Хоразм область 459-Қарамон сайлов округидан сайланган Полвонов Отажон;

12-Риштон районлараро қурилиш бошқармасининг бошқарувчиси, Фарғона область 434-Бўстон сайлов округидан сайланган Полвонов Жалолиддин Тўхтасинович;

Ўзбекистон ССР давлат сув хўжалиги комитети раисининг биринчи ўринбосари, Бухоро область 168-Фурқат сайлов округидан сайланган Ражабов Назир Ражабович;

Хива районидаги Беруний номли колхоз правлениесининг раиси, Хоразм область 467-Сайёд сайлов округидан сайланган Ражабов Рўзимат;

Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг иккинчи котиби, Наманган область 248-Учқўрғон сайлов округидан сайланган Расулов Маҳмуджон Мўминович;

«Ўзбекгеология» УРПО бошқарувчисининг ўринбосари, Фарғона область 438-Қайнар сайлов округидан сайланган Раҳимов Акбархўжа Комилович;

Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи котиби, Фарғона область 428-Рапқон сайлов округидан сайланган Раҳимов Насимбек Холиқбердиевич;

«Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири, Қашқадарё область 214-Тўқбой сайлов округидан сайланган Раҳмонов Расул Раҳмонович;

Ўзбекистон Компартияси Бухоро шаҳар комитетининг биринчи котиби, Бухоро область 166-Отбозор сайлов округидан сайланган Салимов Эркин Ҳайдарович;

Халқ депутатлари Сариосиё район Совети ижроия комитетининг раиси, Сурхондарё область 358-Узун сайлов округидан сайланган Сафаров Эшдавлат Хўжагелдиевич;

«Андижаннапитки» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, Андижон область 131-Қўнжи сайлов округидан сайланган Сотиболдиев Тожиддин;

«Намангангаз» область ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи, Наманган область 258-Ўзбекистон сайлов округидан сайланган Тожибоев Зоҳид;

2-облагропромстрой бирлашмасининг бошлиғи, Наманган область 241-Тўқимачи сайлов округидан сайланган Тожибоев Муҳаммадхон Абдужабборович;

Ўзбекистон телевидениесининг муҳаррири, Қашқадарё область 231-Чироқчи сайлов округидан сайланган Ўтаев Ўрол;

Манғит шаҳар халқ истеъмоли моллари фабрикасининг иқтисодчиси, Қорақалпоғистон АССР 477-Манғит сайлов округидан сайланган Холбоев Рустам Саданович;

«Чўлпон» нашриётининг директори, Фарғона область 425-Бувайда сайлов округидан сайланган Холбўтаев Нурали Қобулович;

Янгийўл ёғ-мой комбинатининг директори, Тошкент область 79-Янгиҳаёт сайлов округидан сайланган Худоёров Муҳаммаджон Бердибоевич;

Ўзбекистон Компартияси Коғон район комитетининг биринчи котиби, Бухоро область 174-Транспорт сайлов округидан сайланган Шарипов Зариф;

167-қурилиш трестининг бошқарувчиси, Хоразм область 451-Ленинград сайлов округидан сайланган Йўлдошев Раҳимбой;

Ўзбекистон телевидениесининг махсус мухбири, Наманган область 249-Чортоқ сайлов округидан сайланган Ёқубов Дадахоннинг ваколатлари тўғри деб топилсин».

ЎЗБЕКИСТОН ССРда МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш доимий комиссиясининг раиси депутат А. А. ЙЎЛДОШЕВ маърузаси

Ҳурматли Ўзбекистон халқ депутатлари!

Қадрли ўртоқлар!

Жумҳуриятимиз қонунчилик фаолиятида биринчи марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси муҳокамасига Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси киритилмоқда.

Бугун муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга. Унинг қабул қилиниши Ўзбекистон жумҳуриятининг янгиланган федерация доирасида сиёсий суверенитетга ва иқтисодий мустақилликка эришишида муҳим қадам бўлади. Қонун лойиҳасини тайёрлашда доимий комиссиямиз ва унинг ишчи гуруҳи нималарга таянди? Аввало, Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди резолюциясидаги ҳамда Сиёсий маърузадаги мулкчилик ҳақидаги фикр ва хулосалар, Ўзбекистон ССРнинг мустақил давлат эканлиги асос қилиб олинди.

Лойиҳани тайёрлашда иккинчи асос шу бўлдики, жумҳуриятимиздаги барча бойликлар шу ерда яшовчи халқнинг миллий бойлиги ва мулкидир.

Ўзбекистон жумҳурияти ўзининг суверен ҳуқуқларидан фойдаланиб, мустақил иқтисодий ва иқтисодий сиёсат юритади, хўжалик ва маданий ҳаётда табиий, иқтисодий, демографик ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда умумиттифоқ қонунининг бир қанча қоидаларига аниқликлар киритилди ва улар янада чуқурлаштирилди. Айрим йўналишлар бўйича қонунимиз лойиҳасига бирмунча янги қоидалар киритилдики, улар Иттифоқ Қонунидан анча илдамлаб кетиш имкониятини беради десак бўлади.

Ўртоқлар, энди Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари хусусида қисқача тўхталиб ўтишга рухсат бергайсизлар.

Қонун лойиҳаси, юқорида айтганимиздек, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот талаблари асосида, мулкчиликнинг давлат шаклини ўзгартириб, унинг янги шаклларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Жумҳуриятимизда мулкчиликнинг ҳамма шакллари мустақил ривожланиши мумкинлиги алоҳида қайд қилинмоқда. Мулкчиликнинг бирон-бир шакли танҳо ҳукмронлик мавқеига эга бўлишига йўл қўйилмайди. Ўйлаймизки, Қонуннинг ушбу қоидалари мулкчиликнинг барча шакллари, тенглигини таъминлашда ишончли кафил бўлади, мулкнинг қайта давлат мулкига айлантирилишига ва ҳаддан ташқари марказлаштирилишига йўл бермайди.

Қонун лойиҳаси мулкий объектларга нафақат хилма-хил буюм ва мол-мулкларни, балки илмий ғоя, техник ишланмалар ва ахборотни ҳам киритмоқда.

Иттифоқ Қонунидан яна бир фарқ шундан иборатки, сизларга тарқатилган ҳужжатда биринчи марта инсоннинг меҳнати, яъни ишчи кучи мулкий объект қаторига қўшилмоқда. Ўйлаймизки, Қонун лойиҳасидаги бундай таъриф бўлажак бозор иқтисодиётига мос келади.

Лойиҳада жумҳурият мулкий объектлари аниқ белгиланган. Жумладан, 23-моддада ёзилишича ер, қазилма бойликлар, сув, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳукумат органларининг мол-мулки, жумҳурият халқларининг маданий ва тарихий бойликлари, жумҳурият бюджетининг маблағлари, банклари, суғурта, резерв фондлари, корхоналар ва халқ хўжалиги комплекслари (ёқилғи-энергетика, кон-металлургия, машинасозлик, нефтьгаз, химия-ўрмон, транспорт комплекси), олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ва Ўзбекистоннинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминловчи бошқа мол-мулклар фақат жумҳуриятимизнинг мулкидир, дейилади.

Шундай қилиб, мазкур Қонун лойиҳасига биноан, Иттифоқ ихтиёрида турган мол-мулкларнинг анча қисми жумҳурият мулкига ўтказилиши лозим бўлади. Бу ишнинг тартиби СССР билан Ўзбекистон ўртасидаги махсус шартномалар асосида белгиланади.

Қонун лойиҳаси жумҳуриятимиздаги мулк субъектларини аниқ бегилаб берди. Жумҳурият мулкининг субъекти — бу Ўзбекистон ССРнинг халқидир. Халқ номидан мулкий ҳуқуқни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари амалга оширади.

Ер ва бошқа табиий ресурсларга нисбатан мулкчиликка алоҳида эътибор берилган. Жумҳурият иқтисодий суверенитети кўп жиҳатдан ушбу масалага боғлиқлигини ҳисобга олиб, Қонуннинг 25-моддасида ер ва ер ости бойликлари Ўзбекистон ССРнинг ажралмас мулкидир, деб ёзилган. Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва барча босқичдаги маҳаллий Советлар ерни тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иқтисодий, демографик ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Қонунда айтиладики, Ўзбекистонда ер эгалик қилишга ва фойдаланишга берилиши мумкин. Бу масалалар «Ер тўғрисида»ги қонун лойиҳасида батафсилроқ акс эттирилган, уни сессиямиз алоҳида муҳокама қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти айрим ҳолларда фойдаланиш учун ер ва бошқа табиий ресурсларни Иттифоққа ва унинг органларига бериши мумкин. Бундай объектлар Қуролли Кучлар, унинг чегара, ички ва темир йўл қўшинлари фаолиятини таъминлашга, ягона энергетика системаси, космик алоқа ва ахборот системаларига берилиши мумкин. Барча ҳолларда ушбу объектларни Иттифоқ идораларига бериш СССР ва Ўзбекистон ССР ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилиши керак.

Ўртоқлар!

Бозор иқтисодиётига ўтишни муҳокама қилганда хусусий мулк масаласига катта эътибор берилмоқда. Социализм ва хусусий мулк бирга бўла олмайди, деган фикр ҳам бор. Шу сабабли бўлса керак, Иттифоқ Қонунида хусусий мулк тўғрисида ҳеч қандай гап-сўз йўқ.

Жумҳуриятимиз Қонун лойиҳасини тайёрлаётган пайтда бизнинг комиссия шуни эътиборга олдики, бўлажак Қонун узоқ муддатга мўлжалланган. У бир неча ўн йиллар давомида бозор иқтисодиёти ривожланган шароитда амал қила олиши керак. Кўпчилик халқ депутатларининг фикрича, хусусий мулкни тан олиш ва унга йўл бериш бозор иқтисодиётининг бевосита шартларидан биридир. Шунинг учун хусусий мулк шаклини киритаётган жумҳуриятимиз Қонуни олдинга қараб муҳим қадам қўйган бўлади, деб ўйлаймиз.

Лойиҳанинг 10-моддаси ана шу мулк шаклига бағишланган бўлиб, хусусий мулк даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқидан иборатдир, дейилади. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш чоғида ёлланма меҳнатни қўллашга йўл берилади.

Шу билан биргаликда Қонунда кўрсатиладики, хусусий мулк бошқа мулк хилма-хил шаклларининг битгасигина бўлиб, эҳтимол унчалик кенг тарқалмаслиги мумкин. Жумҳурият ҳукуматига иқтисодий ва халқ хўжалигининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда хусусий мулкчиликнинг амал қилиш шарт-шароитлари ва чегараларини Қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб бориш ҳуқуқи берилган.

Ўртоқлар! Муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасида жамиятимизда катта улушга эга бўлган коллектив мулкка, яъни меҳнаткашларнинг турли уюшмалари мулкига катта ўрин берилган. Халқимизнинг тарихий анъаналари ҳисобга олиниб, уни ширкат мулки деб аталмоқда. Қонуннинг III бўлими мана шу мулкка бағишланган.

11-моддада Ўзбекистон халқларида тарихан таркиб топган ҳамжиҳатлик, мулкка биргаликда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш анъаналарига асосланган коллектив мулкнинг турлари берилган, яъни оила мулки, маҳалла мулки, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акционерлар ҳамда коллектив корхоналар мулки, жамоат ва диний ташкилотлар мулки, турли хўжалик жамиятлари ва бирлашмаларининг, уюшмаларнинг ҳамда ҳуқуқий шахслар бўлмиш бошқа бирлашмаларнинг мулки.

Лойиҳада коллектив мулкнинг янги турлари — оилавий ва маҳалла мулки батафсил кўрсатилган. Мулкнинг бу турлари жумҳуриятимиз ҳаётига хосдир.

Бизда шундай оилалар борки, улар кўп аъзоли ва ўз эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзғор, ёрдамчи хўжалик юритиш ва шу асосда даромад олиш учун ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиш хоҳишини билдирмоқдалар. Жойлардаги, айниқса шаҳарлардаги шароитларни ўрганиш маҳалла мулкини ҳам қонунлаштириш кераклигини кўрсатмоқда. Шуни ҳисобга олиб Қонун лойиҳасининг 13-моддасида маҳалла мулкининг объектлари ва субъектлари аниқлаб берилмоқда.

Лойиҳада диний ташкилотлар мулки ҳам кўзда тутилган. Лекин мулкнинг бу шакли Ўрта Осиё шароитлари ҳисобга олинган ҳолда изоҳланган.

Давлат мулки ва унинг турлари Қонун лойиҳасида янада такомиллаштирилган шаклларда берилмоқда. Унда мулкнинг қайси турлари жумҳурият мулкига, қайси бирлари Қорақалпоғистон АССР ва қайсилари маъмурий-территориал тузилмалар мулкига кириши аниқлаб берилмоқда.

Маъмурий-территориал мулк жумҳуриятимиз қонунчилигида биринчи марта асослаб берилмоқда, унинг бошқача номи коммунал мулк дейилган. Коммунал мулк объектлари, яъни вилоят, шаҳар, район, қишлоқ, посёлка мулки объектлари бирма-бир кўрсатилмоқда. Бу ерда маъмурий-территориал тузилмалар ихтиёрида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, маиший хизмат, транспорт ва бошқа корхоналар, маориф, маданият соғлиқни сақлаш ташкилотлари мулки, маҳаллий бюджет ҳисобидан яратилган бошқа мол-мулклар бўлиши алоҳида таъкидланади. Ўйлаймизки, маҳаллий Советларга бундай ваколатлар берилиши жойларда моддий ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга, уларнинг иқтисодий мустақиллигини янада кучайтиришга олиб келади. Қонун лойиҳасининг махсус бўлими мулк ҳуқуқининг кафолати ва ҳимоя қилинишига бағишланган. Ўзбекистон жумҳурияти ушбу Қонун билан белгиланган мулкчилик муносабатларининг барқарорлигига кафолат беради. Мулкдорнинг мол-мулкини мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди. Барча фуқароларга, ташкилотларга ва бошқа мулкдорларга мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун тенг шароит яратиб берилади.

Ўртоқлар! Сўзимнинг якунида шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда Мулкчилик тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши жумҳуриятимизда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартиради, иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштиради, бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиради.

Қонун лойиҳаси халқ депутатларига сессиядан анча илгари етказиб берилди. Бу эса унинг қоидаларини батафсилроқ ўрганиб чиқишга имконият туғдирди, деб ўйлаймиз. Кўп депутатлар лойиҳани ўзлари ишлаб турган коллективларда муҳокама қилдилар, айрим район ва вилоятларда қонунни чуқур ўрганиб чиқиш ишлари ташкилий суръатда амалга оширилди. Ўйлаймизки, сессия қатнашчилари бугун ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ва Қонунни янада яхшилашга ҳиссаларини қўшадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги доимий комиссиясининг раиси депутат А. Х. ТОШКЕНБОЕВ маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Шу йилнинг 28 февралида СССР Олий Совети томонидан «Ер тўғрисида Қонун асослари» қабул қилинган эди.

Бу Қонун асосида ўзимизнинг жумҳуриятимизга мос қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун комиссия тузилди. Комиссияга кирган ер тузувчи мутахассислар, юристлар, иқтисодчилар, экологлар, ирригаторлар, илмий-текшириш институтлари, министрликлар ва турли ташкилотларнинг раҳбарлари уч ой давомида қаттиқ ишлаб, Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги Қонуни лойиҳасини тузиб чиқдилар.

Ундан сўнг, Қонун лойиҳаси республика Олий Совети ҳамда Министрлар Советининг комиссияларида бир неча бор синчиклаб кўриб чиқилди. Қонун юзасидан фикр алмашувлар ўтказилди, таклифлар киритилди.

Совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ходимларининг ҳамда колхоз ва совхозларнинг фикр ва таклифлари ҳисобга олиниб, лойиҳа бир неча бор қайта ишлаб чиқилди. Матбуотда чиққан таклифлар ҳам инобатга олинди.

Қонун лойиҳаси 8 июнда Ўзбекистон ССР Олий Советининг аграр масалалар доимий комиссияси мажлисида бошқа комиссия аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилди.

«Ер тўғрисидаги Қонун»нинг аҳамияти нимада? Нима учун бу Қонунга шунча эътибор берилаяпти?

Иттифоқ Қонуни билан биз таклиф этаётган Қонун лойиҳаси орасида қандай фарқ бор? Биринчидан, кейинги йилларда ҳаётимизда туб ўзгаришлар бўлмоқда, ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шакллари, айниқса қишлоқ хўжалигида пайдо бўлди. Натижада ижара, кооператив, агрофирма, оилавий пудрат, деҳқон хўжалиги каби меҳнатни ташкил этишнинг янги формалари ривож топмоқда. Бу ўзгаришлар қонунлаштиришни талаб этади.

Иккинчидан, бизнинг республикамизда фақат, «Ер тўғрисида масала» қўйиш мумкин эмас. Бизда ерни сувдан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ.

Иттифоқ қонунларида эса бу масалалар ўз ифодасини топмаган. Ўзбекистон ўз иқлими, тупроқ шароитлари, аҳолининг зичлиги ва тез ўсиш жараёни билан Россия ва мамлакатнинг бошқа ўлкаларидан кескин ажралиб туради.

Шунинг учун мана шу ўзимизга хос шароитларимизни ҳам тўла инобатга оладиган ўз қонунимизни ишлаб чиқишимиз ва ҳаётга тадбиқ этишимиз керак.

(Давоми учинчи бетда).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Яна бир муҳим фарқи шундан иборатки, Иттифоқ Қонун асосларида — «Ер муайян территорияда истиқомат қилувчи халқларнинг бойлигидир» деб ёзилган.

Бизнинг Қонун лойиҳасида эса: «Ер — Ўзбекистон республикасининг мулкидир», деб қўшиб қўйилди. Бу республикамиз суверен давлат эканлигини, ўз ерларидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, Иттифоқ қонунларида ер гражданларга умрбод мерос сифатида деҳқончилик қилиш учун берилиши мумкин, деб кўрсатилган.

Биз бундай қила олмаймиз. Бунинг учун шароитимиз йўқ. Чунки бизда ер жуда кам, етишмайди. Масалан, деҳқончилик ишлари билан банд бўлган ҳар бир одамга фақат 1,2 — 0,8 гектар суғориладиган ер тўғри келади. Жон бошига ҳисобланганда эса бу рақам атиги 40 сотих, Фарғона водийси хўжаликларида 15-20 сотихдан тўғри келади.

Бундан ташқари аҳоли сони тез ўсиб бораяпти. Демак масала яна ҳам оғирлашади.

Шуни ҳисобга олиб, биз деҳқон хўжаликларига ерни умрбод бера олмаймиз. Фақат ижарага бериш имкониятимиз бор.

1970 йилда қабул қилинган Ер тўғрисидаги Қонун бўйича колхоз ва совхозларга, давлат ва кооператив ташкилотларига ер бепул берилар эди.

Энди эса янги қонун бўйича ердан фойдаланиш учун солиқ тўлаш, яъни белгиланган миқдорда пул тўлаш керак бўлади. Солиқнинг миқдори ернинг унумдорлиги ва бошқа сифатларига қараб белгиланади. Бу модданинг муҳим томонларидан бири шундаки, — у ерни талон-торож қилишдан сақлайди.

Ер учун тўланадиган пул маблағлари қишлоқ, район ва шаҳар Советларига тушади. Бу маблағ биринчи навбатда ерни яхшилашга, унумдорлигини оширишга, қишлоқларни ободонлаштиришга сарфланади.

Бундан ташқари, лойиҳада халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ерлардан самарали фойдаланишда роли ва ҳуқуқи оширилган. Энди ер билан бўлган барча масалаларни аввалгидек ижроия комитетлари эмас, балки халқ депутатларининг Советлари ҳал қиладилар.

Бизнинг «Ер тўғрисида»ги Қонунимиз 15 та бўлим, 66 та моддадан иборат.

Ҳозир бўлимларга бирма-бир тўхталиб ўтишимиз учун ҳужжат бўлмаса керак. Чунки, Қонун лойиҳаси ҳамма депутатларнинг қўлида бор.

Фақат айрим масалалар юзасидан қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи бўлим — ерларга эгалик қилиш ва ерлардан фойдаланиш, ерларни ижарага олиш каби умумий қоидаларга бағишланган.

Шу бўлимнинг ўзида қайси ҳолатларда ҳалқ депутатлари Советлари ерга эгалик қилиш ҳуқуқини тўхтатиш баён этилган.

Иккинчи бўлимда — ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари кўрсатиб берилган.

Бу бўлимнинг моддаларида колхоз ва совхозлар ердан мустақил хўжалик юритиш ҳамда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилишга эга эканликлари кўрсатилган.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш лозимки, минглаб гектар ерлар қаровсиз қолган ва экилмай партов қилиб ташлаб қўйилган, деҳқонлари қишлоқларни ташлаб кўчиб кетган Россия ва мамлакатнинг бошқа ўлкаларида айрим колхоз ва совхозлар қайта ташкил қилиниб, уларнинг ерлари деҳқонларга ва кооперативларга бўлиб берилишига мажбур бўлинди.

Бизнинг республикамизда аҳвол бошқача. Бизда суғориладиган ерлар танқис ва унинг қадри катта. Бизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми колхоз ва совхозларнинг жамоа ерларида етиштирилиб келмоқда ва бундан кейин ҳам колхоз ва совхозларда етиштирилади.

Бу айниқса пахтачилик хўжаликларига тааллуқлидир, чунки бу соҳада фан янгиликларидан, механизация афзалликларидан кенг фойдаланмасдан, майда якка хўжалик далаларида яхши натижага эришиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб Қонун лойиҳасида колхоз ва совхозларнинг ҳуқуқлари кучайтирилиб қўйилган.

Қонунда гражданларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиши тўғрисида махсус бўлим ҳам бор.

Бу бўлимда гражданларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, уй-жой қуриш, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалалари қонунлаштирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети ва ҳукумати қарорларига биноан деҳқонларга ва қишлоқда яшовчиларга қўшимча 160 минг гектар ер ажратиб берилди. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Фармонига биноан яна 100 минг гектар ер берилиши лозим. Бу иш белгиланган вақтида охирига етказилса, Озиқ-овқат программасининг бажарилиши анча тезлашар эди.

Катта бўлимлардан бири — бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар масаласига бағишланди. Бу бўлимда қишлоқ хўжалиги учун ерларни бериш тартиби, колхозлар ва совхозлар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган ташкилот ва муассасаларнинг ердан фойдаланиш тартиби белгиланган.

Бўлимда ердан самарали фойдаланиш, давлат фойдасини кўзлаш масалалари кўрсатилган. Қонуннинг бутун кучи ерда ишловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Қонун лойиҳасининг тўққизинчи бўлимида эса — ерларни ҳар хил қурилишлар ва деҳқончиликдан бошқа мақсадларга ажратишда авалги қонунларга нисбатан қаттиқроқ талаблар белгиланган.

Мабодо қандайдир бир ташкилот колхоз ва совхоз ерини қурилиш учун олса, у шу хўжаликда келтирилган барча зарарни, жумладан бой берилган фойдани ҳам тўлаши шарт.

Бундан ташқари, ерни олган ташкилотлар район Советларига ҳам ер ажратиш бўйича сарф этилган харажатларни қоплашлари шарт. Бу пул маблағлари янги ерларни ўзлаштиришга, ариқ ва зовурлар ўтказишга, сув иншоотлари қуришга ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган тадбирларга сарф этилади.

Янги Қонун лойиҳасида ерларни муҳофаза қилиш масаласи кучайтирилган. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар зиммасига ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерни сув ва шамол таъсирида нурашдан сақлаш, ерларнинг шўрланишига ва ботқоқланишига йўл қўймаслик шартлари юклатилган. Кимда-ким Қонуннинг бу талабларига зид иш қилса, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади, интизом ва граждан бурчини бузганлиги учун жазоланади. Қорақалпоғистон автоном республикаси депутатлари диққатига шуни айтмоқчиманки, лойиҳада бу республикага хос бўлган шарт-шароитлар белгилаб берилган эмас. Бунинг сабаби шундаки, янги қонунда Қорақалпоғистон автоном республикасининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилган ва қорақалпоқ биродарларимиз ўз қонунларини қабул қилиши мумкин.

Янги Қонун лойиҳасида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Афғонистонда хизмат қилган гражданлар ер учун солиқ тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилган. Меҳнатга яроқсизларнинг (инвалидларнинг) биринчи ва иккинчи группалари ҳам солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

Депутат ўртоқлар! Кейинги вақтларда ер билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан жуда кўп келишмовчиликлар ва шикоятлар пайдо бўлиб қолмоқда. Битта колхоз иккинчи колхоз ерига даъвогар. Битта қишлоқ иккинчи қишлоқнинг ерини олмоқчи бўлиб жанжал чиқаради.

Бу баҳслар, можаролар қандай ва ким томонидан ҳал этилиши керак? Қонун лойиҳасида бу масала бўйича ҳам халқ депутатлари Советларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Масалан, қишлоқ Советлари гражданлар (фуқаролар) орасидаги келишмовчиликларни ҳал қилади;

район Советлари эса — колхоз, совхоз ва шу районда жойлашган бошқа ташкилотлар орасидаги баҳсларни кўриб чиқади ва ҳал қилади;

мабодо районлар орасида низо чиқиб қолса — область Советлари ҳал қилади.

Областлар орасида ер тўғрисида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда — буни Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳал қилади.

Агарда бундай масала республикалар орасида чиқиб қолса, бу тақдирда шу республикаларнинг Олий Советлари ўзаро келишадилар.

Хуллас, ер борасида келиб чиқадиган баҳс ва келишмовчиликлар, яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиманки, — асосан маҳаллий Советлар томонидан ечилмоғи керак. Депутат ўртоқлар! Қонун лойиҳасини доимий комиссияда кўриб чиқиш пайтида анчагина таклифлар тушди. Биз уларни кўриб чиқиб, маъқул бўлганларини инобатга олдик. Бу қўшимча таклифлар ҳам сизларга берилган.

Доимий комиссия аъзоларининг фикрича, Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги Қонуни лойиҳасида ердан фойдаланишнинг турли шакллари, республиканинг ўзига хос шароитлари ҳисобга олинган.

Шу билан бирга биз ер тўғрисидаги Қонун тузилиши тўла охирига етказилди, унда камчилик йўқ, ҳамма нарса ҳисобга олинган деб айта олмаймиз, албатта. Бу муҳим Қонунни муҳокама қилишда залда ўтирган сиз — халқ депутатлари фаол қатнашасизлар, деб ўйлаймиз.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси давом этмоқда. Анжуман ошкоралиқ, қизғин тортишув, баҳс ва мунозаралар билан ўтаётир. Халқ депутатлари сессия кун тартибига киритилган масала ва муаммолар ҳақида фикр билдирар эканлар, халқ манфаати, меҳнаткашларнинг эзгу орзу-умидлари амалга ошиши ҳақида алоҳида жонкуярлик билан муҳокама юритмоқдалар. Бу нарса халқ мухтор вакилларининг мухбиримиз билан суҳбатдаги сўзларда ҳам кўриниб турибди.

• Бизнинг суҳбат

ЯХШИ НИЯТЛАР

Энг муҳими — ижро

Худойберди АБДУЖАББОРОВ,
Бўка ноҳиясидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси

● ЎТГАН сессияда чорвачиликни ривожлантиришнинг энг самарали йўлларидан бири аҳолини ем-хашак билан таъминлаш эканлиги алоҳида таъкидланган эди. Агар меҳнаткашлар қўлидаги чорва моллари таъминоти яхшиланса, гўшт ва сут етиштиришда ўсишга эришиш мумкинлиги мисоллар асосида таҳлил қилиб берилганди. Орадан кўп ўтмади. Жумҳуриятимиз Президенти худди ана шу масала ҳақида Фармон эълон қилди. Колхозчилар, совхоз ишчилари қўлидаги чорва молларини ем-хашак билан таъминлашда дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Мен ишлаётган колхозда беданинг биринчи ўрими асосан пахтакорларга тақсимлаб берилди. Районимиздаги «Ленинизм», «Ленин йўли», Ҳамза номли колхозларда ҳам ана шу йўлдан борилаётир. Қишлоқ меҳнат аҳли бу меҳрибончиликдан мамнун. Улар гўшт ва сут тайёрлашда чорвадорларга катта ёрдам кўрсатишмоқда.

Мен бу мисол билан ҳар қандай қарор ўз ижроси билан қимматли эканлигини таъкидламоқчиман. Кейинги пайтда халқ манфаати нуқтаи назаридан қатор қарорлар ва фармонлар қабул қилиниб, эълон этилдики, уларнинг ижроси йўлга қўйилаётганлиги кўпчиликнинг кайфиятини кўтармоқда. Партияга, жумҳуриятимиз Олий Совети ва ҳукуматига эътиборини бўлган ҳурмат-оширмоқда.

Меҳнаткашлар асло зарар кўрмасин

Жуманиёз ЙЎЛДОШЕВ,
Хонқа ноҳиясидаги 288-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи

● СЕССИЯ кун тартибини кўздан кечирар эканман, Қозоғистон ССР Олий Советининг Ўрта Осиё республикалари парламентлари ва ҳукуматларига Мурожаатномаси тўғрисидаги масала алоҳида эътиборимни тортди. Ҳозир ҳар бир хоразмлик тўй меҳнат фаолияти, кундалик турмуши жараёнида бу фожианинг таъсирини сезиб турибди. Хоразм ерларида туз тез кўтарилиб боряпти, қум босқини давом этмоқда, механизаторларнинг жигар, буйрак касаллиги билан оғриши ҳоллари кескин ортди. Боғлар қуриб, ҳазон бўлаётир.

Буни ҳамма тан олади. Аммо Орол сувининг қуриши муносабати билан областимиз кўраётган зарарни ҳисобга олишда юқори ташкилотлар орқага тисарилмоқда. Иттифоқ Министрлар Советининг Орол фожиаси таъсир қилаётган вилоятлар кўрсатилиб, қабул қилинган қарорида ҳам Хоразм тилга олинган эмас. Ҳолбуки, бизнинг областимиз ҳам бундан худди Қорақалпоғистон автоном республикаси, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда, Туркманистоннинг Тошовуз областлари сингари беҳисоб зарар кўрмоқда. Агар мана шу масала муҳокама қилинса ўз фикр мулоҳазаларимни айтишни ўйлаб турибман.

Сессияда бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб томонлари, муаммолар ҳақида тез-тез фикрлар билдирилмоқда. Бу ҳақда жумҳурият Олий Совети ва ҳукуматнинг билдирган мулоҳазалари ниҳоятда ҳаққонийдир. Бизнинг жамиятимизда ҳар қандай янгилик, ўзгариш халқ учун, халқ манфаатини кўзлаб амалга оширилар экан, ундан меҳнаткашлар асло зарар кўрмаслиги лозим.

Хоразм вилоятида мактаблар етишмаслиги ва жуда кўп мактабларда ўқув машғулотлари икки сменада олиб борилаётганлиги қайта-қайта таъкидланган эди. Менга ҳам ана шу муносабат билан наказлар берилганди. Сайловчиларнинг топшириғи бажарилянти. Колоннамиз икки ой ичида Навоий номли ва «Октябрь» колхозларида жами 760 ўринли мактаб қурилишини ниҳоясига етказишади.

Ғамхўр ва меҳрибон бўлайлик

Актам УСМОНОВ,
Хатирчи ноҳиясидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи

● Халқнинг мухтор вакили бўлиш осон эмас. Сайловчиларнинг кўнглини топиш, уларнинг наказ ва сўровларини бажаришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун елиб-югуриш, ҳал қилинмаган масалаларни тегишли юқори ташкилотларга кўтариб чиқиш керак. Депутатликка сайлангандан сўнг округдаги жуда кўп пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оналар ҳузурида бўлдим. Совет ходимлари иштирокида ўтган бу учрашувларда уларнинг талаб ва истакларига қулоқ солдик. Қандай яшаётганликлари, кўнгилларидаги орзу-умидлари билан яқиндан танишдик. Хўжалик раҳбарлари қишлоқ Совети раислари билан қилган маслаҳатларимиз муносиб хулосаланди. Ҳозир округимиздаги хўжаликларда истиқомат қилаётган кўп болали оилалар, ногиронлар, пенсионерларга колхоз ва совхозлар қўшимча моддий ёрдам кўрсата бошлади.

Мен сессияда гоҳо фақат танқид қилиш учун сўзга чиқаётган кишиларга нисбатан режаланаётган, мўлжалланаётган ҳамма ишларни бир варакайига амалга ошириб бўлмайди, дегим келади. Зотан, яхши таъминланиш, фаровон ҳаёт кечириш учун астойдил тер-тўкиб меҳнат қилиш ҳам керак. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бу йил 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганмиз. Ғўза уч марта культивация қилинди. Энди эгатларга сув тарашга киришяпмиз. Шунингдек, коллективимиз 100 тонна мева тайёрлаш юзасидан ҳам тантанали сўз берган. Бу борада ҳам сайи ҳаракатларимиз кутилган натижани беради, деб ўйлайман.

Сессия ишида фаол қатнашишга бел боғлаганман.

• Жамоатчилик — катта куч

ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАР ЎРТАДА

ХОЗИРГИ инқилобий жараёнда таълим-тарбия масаласи ҳар бир виждонли кишининг асосий иши, кундалик юмуши бўлиб қолди. Айниқса, келажагимиз — ота-боболар ишининг давомчиси бўлган ёш авлоднинг эртага қандай бўлиши сиз билан бизнинг эл олдидаги бурчимизни қандай бажараётганлигимизга, уларнинг ташвиш ва қувончларига қай таҳлит ёндашаётганлигимизга боғлиқ.

Шу жиҳатдан қараганда, маҳаллаларда бу борада ўрганса арзийдиган ҳаёт тарзи мавжуд. Болалар тарбияси ҳақида гап кетса, Акмал Икромов номидаги маҳалла аҳли билан бир пиёла чой устидаги суҳбатда маҳалла оқсоқолларидан Аҳрор ака Аҳмедов айтган қуйидаги гаплар хаёлимга келади:

— Инсон, — деган эди ўшанда Аҳрор ака, — маҳаллада вояга етади, камол топади. Лекин унга етти маҳалла ота-оналик қилмаса, у ҳеч қачон ҳақиқий инсон бўла олмайди.

Ўзимга ўзим савол бераман, нега биз узоқ вақт маҳаллаларнинг дардига малҳам бўлолмадик, маҳалладошларнинг қувонч ва ташвишларига, дард-аламларига қулоқ тутмадик. Ахир, ҳамма-ҳамма нарсани кўриб турувдик-ку! Кўп қаватли уйларда яшаётган ҳамшаҳарларга қулай бўлиши учун кўп нарса қилдик. Тўртта кўп қаватли уй қурсак унинг ёнига болалар майдонидан тортиб чиройли автобус бекатларигача қуриб қўйдик. Маҳалладошларга эса оддий қулайликлар ҳам яратилмади. Транспорт қатновидаги узилишлар, болалар поликлиникасидаги ноқулайликларни, боғчаясли таъминоти, ҳатто аҳоли учун оддий маиший қулайлик яратиш ҳам оқсагандан оқсаб қолаверди.

Районимиз ўрамида бутун Тошкентдек шаҳри азимга маълум Янгиобод истиқомат маскани бор. У ўша машъум Тошкент зилзиласида уй-жойсиз қолган ҳамшаҳарларимизнинг қўллари билан бунёд этилган. Бундан чамаси икки йилча бурун Янгиободдаги 12 та маҳалла оқсоқолларини йиғиб, улар учун қулай жойда оталар чойхонасини қуриш масаласида келишиб олгандик. Чойхона массивнинг қоқ ўртасидаги сўлим Толариқ ёнидаги олмазорлар бағрида бунёд қилинди. Унга «Наврўз» деб ном қўйилди. Ўтган йили 26 апрель куни оталар чойхонасининг очилиш маросими бўлди. Ўша куни маҳаллалар фаоллари билан бир пиёла чой устидаги суҳбатда бу жойни маҳаллалар аҳли билан бўладиган мулоқот марказига айлантиришга келишиб олдик. Шу тариқа ҳар ойнинг худди шу 26-куни Тошкент зилзиласи хотира куни, деб ҳисобланиб маҳалла фаоллари билан район раҳбарлари учрашиб туриши анъанага айланди. Буни қарангки, ойлаб ҳал қилинмай келаётган маҳалла муаммолари ўша жойнинг ўзида район хизмат маҳакамаларининг мутасаддилари иштирокида кўриб чиқилиб, ижро этиладиган бўлди. Маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш шаҳар кенгаши, шу асосда эса район кенгаши ташкил қилиниши маҳаллаларда қалашиб ётган турли-туман муаммоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Районимизда яшаётган 227 мингдан зиёд аҳолининг деярли юз мингги мавжуд 33 та маҳаллада истиқомат қилади. Улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи район кенгаши ўз ишини планли асосга қуриб, маҳалла муаммоларини дадил кўтариб чиқмоқда. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, кенгаш телефон алоқа хизмати аҳволини атрофлича кўриб чиқди, мутасаддиларнинг далил — важларини ҳисобга олди. Шу билан бирга меҳнаткашлар уларнинг фаолиятига қониқарсиз баҳо берди. Қисқа вақт ичида аҳоли талаби ижобий ҳал бўлмаса уларга ишончсизлик билдиришлари эслатиб қўйилди. Шу йил январь ойида бу масалага қайтиб бир қатор камчиликлар тугатилганлигини эътироф этиш билан бирга, ҳали одамлар юмушини енгиллаштиришга хизмат қилувчи телефон хизмати масаласи районда қониқарсиз аҳволдалиги кўрсатиб ўтилди. Агар май ойигача аҳвол буткул ўзгартирилмаса шаҳар телефон станциясининг Ҳамза райони узели бошлиғи ўртоқ М. Дадабоев ва 98-АТС мутасаддиси Н. Саидазимовга ўз вазифаларига нолойиқ, деб баҳо берилиши ҳам илова қилинди. Худди шундай муҳитда район маҳаллаларидаги кишиларга тиббий хизматнинг аҳволи атрофлича, одамларнинг фикр-мулоҳазаларига, эътирозларига суянган ҳолда кўриб чиқилди. Айниқса, янгиободликларга хизмат қилишга масъул бўлган 18-катталар поликлиникасида ишлаётган шифокорлар орасидаги муҳит носоғломлиги ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда катта қийинчилик, ноқулайликлар туғдираётгани, кадрлар қўнимсизлиги, коллектив аъзоларига мукофот тақсимлашдаги адолат принципининг бузилаётгани ошкоралик асосида очиб ташланди. Бош врач Қ. Аҳмедов ва унинг ўринбосари М. Акромова халқ олдида жавоб беришга мажбур бўлдилар. Меҳнаткашлар талаби билан район назорат комитети маҳалла фаоллари билан биргаликда бу масалани чидам билан, ипидан игнасигача ўрганиб чиқиб, ўзининг кўчма мажлисини Акмал Икромов номидаги маҳаллада ўтказди. Бош врач Қ. Аҳмедов ва унинг ўринбосари М. Акромовани ўз лавозимига нолойиқ, деб топиб, уларни ишдан четлаштириш ҳақидаги қарорни мажлис қатнашчилари маъқуллаб кутиб олдилар.

Доимо халқ билан бирга бўлиш, унинг истак ва тилакларига қулоқ солиш, шу билан бирга унга суяниш бизнинг дастуримиз бўлиб қолмоқда. Шу тариқа меҳнаткашлар ўзларига хизмат қилаётган 50 дан ортиқ милиция ходимини ҳам аттестациядан ўтказишди, талабга жавоб бермайдиган айрим милиция ходимлари билан хайрлашишга тўғри келди.

Маҳалла аҳолисига хизмат қилаётган барча озиқ-овқат ва газмол дўконларининг савдо ходимлари маҳалла чойхоналарида бевосита халқ олдида ҳисоб беришлари одат тусига кириб бормоқда. Район партия ва Совет ташкилотлари мутасаддилари билан аҳоли кенг қатламларининг мулоқотда бўлиши бошқа қатор муаммоларни кўтариб чиқиш ва ҳал этишга йўл очмоқда. Масалан, райондаги мавжуд 33 маҳалланинг ҳар бири бирор бир корхона билан шартнома тузиш асосида ҳамкорликни йўлга қўйган. Дастлаб Нодира номидаги маҳалла билан Енгил металл конструкция жиҳозлари заводи келишиб олди. Шартлашувга кўра завод маҳалла ўрамидаги болалар спорт майдони атрофини ўраш, уни жиҳозлаш, маҳалла гузарини бунёд қилишда амалий ёрдам беради. Маҳалла аҳли эса ўз навбатида заводда ишлаётган маҳалла ёшларига кўз-қулоқ бўлиб туриш, ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказиш, миллий байрамимиз бўлган Наврўзни тантанали нишонлашда, ободонлаштириш ишларида ҳамкорлик қилишни ўз зиммаларига олдилар.

Иш бошланиб кетди. Корхона маҳалла гузарига маҳалла номи ёзилган 6 метрли Арк ўрнатди. Болалар майдони атрофи ўралиб, спорт жиҳозларини ўрнатишга тайёрланилмоқда. Бундан ташқари завод маҳалла фондига маблағ ажратишни ҳам ихтиёрий равишда ўз зиммасига олди.

Корхона ва маҳалла ҳамкорлиги шартномаси асосида Ёқуб Алиев номидаги маҳалла билан 145-автоколонна иш олиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида автоколонна маҳалла фондига 2 минг сўм пул ажратди ва болалар спорт майдонини бунёд этмоқда. Ҳозирги кунда райондаги маҳаллалар билан корхоналар ўртасидаги шартнома асосида иш олиб боришни барча маҳаллаларда ташкил қилиш ишлари тугалланиш арафасида. Бундан ташқари маҳаллалар ўрамидаги мактабларда таълим-тарбия ишларини олиб бориш, болаларга билим беришни яхшилаш, тарбияси қийин бўлган ўсмирлар билан шуғулланишда ҳамкорликни таъминловчи шартнома тузиш асосларини район халқ маорифи бўлими ва район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши кўриб чиқяпти.

Маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш район Кенгаши маҳаллаларда қалашиб ётган муаммоларни кўтариб чиқиш ва район мутасаддилари билан биргаликда ҳал қилишда ўзига хос бир марказга айланиб қолди, дейиш мумкин. Кенгашнинг навбатдаги мажлисларидан бирида район ободонлаштириш бошқармаси фаолияти кўриб чиқилди. Маҳалла аҳли ариқларни тозалаш, йўлкаларни тартибга келтириш, мевали дарахт кўчатлари ўтказиш ва парвариш қилишда жонбозлик қилишига сўз беришди ҳамда район бош боғбонини тайинлаш тўғрисида таклиф киритишди. Ўша йиғилишда яна бир масалага келишиб олинди. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасининг якшанба кунини район миқёсида «Маҳаллалар куни» деб эълон қилинди, ўша куни маҳаллалардаги каттаю кичик ўз ўрамларида ободончилик ишларини олиб борадилар. Маҳаллаларда озодаликни сақлаш ишига «Автодормехбаза» яқиндан ёрдам беряпти. Бир болага етти қўни-қўшни ота-оналик қилади, дейишади. Бироқ кўпчиликнинг бола тарбиясига лоқайдлигиданми ҳар ҳолда маҳаллаларда ҳам бебош, тарбияси оғир, на каттани ва на кичикни менсимайдиган ўсмирлар кўпайиб қолди. Тўғри, маҳаллаларда оқсоқолларнинг жонбозлиги туфайли бўлса керак ёшлар орасидаги жиноятчилик, оилавий жанжаллар шаҳарнинг кўп қаватли уй-жой ларидагига нисбатан камроқ. Лекин барибир бор. Масалан, Зебо Шамсутдинова номидаги маҳаллада ўтган йили кўриб чиқилган 29 оилавий қўйди-чиқди жанжалнинг 28 таси маҳалла аралашуви билан барҳам топди, лекин биттасини тиклаб бўлмади. Шу биттаси ҳам биз учун кўплик қилади. Ёки Нодира номидаги маҳаллани олиб кўрайлик. Ўтган беш йил ичида фақат битта қўйди-чиқди, оилавий жанжални муросага келтиришнинг иложи бўлмади.

Маҳаллалардаги муаммоларни бартараф этиш — республика партия ва ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган маҳалла Программасини ҳаётга тадбиқ қилиш демакдир. Шу программадан келиб чиққан вазифалар ҳар бир маҳалла комитетига етказилди. Улар ўз маҳаллаларида кейинги беш йил ичида нималар қилинишини биладилар. Программани амалга ошириш учун нималар қилинаётгани улар кўз ўнгида бўлмоқда. Район ўз имкониятларидан келиб чиқиб, корхоналар маблағини сафарбар қилиш асосида Янгиободда болалар поликлиникаси қурилишини бошлаб юборди. Спорт комплекси ҳам барпо этилади. Бир қатор мева-чева, сабзавот сотадиган дўконлар қуриш режалаштирилди. Иззат кўчасида эса «тез ёрдам» станциясини қуриш ишлари жадал бормоқда. Бундай ишлар маҳалла программаси қоғозда қолиб кетмаслигига далилдир, сўз билан иш бирлигига амал қилина бошлаганлигининг ифодасидир.

Н. ҲАСАНОВ,
Ҳамза район маҳалла комитетларини мувофиқлаштириш кенгаши раиси.

• Пудрат афзалликлари

ДАРОМАД ОШМОҚДА

Бир неча йиллардан буён қолоқлик ботқоғида муқим турган Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхози сут-товар фермаси кейинги йилларда «бир юмалаб» сердаромад соҳага айланди-қолди. Ферма ўтган йили 267 минг сўм соф фойда олди. Хўш, бу «афсунгар»ликнинг сири нимада!

...Бу сафар чорвадорлар орасида негадир «маошни чўнтагидан бермайди-ку...» ёки «буйруқ юқоридан бўлган, «тепа»га яхши кўринмоқчи» каби ортиқча гап-сўзлар бўлмади. Ажабланарлиси шундаки, ишдан бўшаган 21 кишининг бирортаси «ишдан ноҳақ бўшатяпсан» деб, ҳеч кимнинг ёқасидан ҳам олмади. Демак, фермада штатларнинг қисқаришидан ҳеч кимнинг кўнгли ранжигани йўқ.

Шамсиддин Ҳамидов фермага мудир бўлиб келгач, ижара пудратига ўтилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараб ҳақ тўланадиган бўлди. Энг асосийси — янги усулга ўтишдаги илк босқичда ферма ишчилари янги вазиятга мослашишга мажбур этилмади, аксинча чорвадорларда иш жараёнини ўзгартиришга ички эҳтиёж туғилди. Фермани ташлаб «жуфтакни ростлайдиган»лар ён-атрофидагилардан уяладиган бўлишди. Номигагина келиб кетувчиларни эндиликда раҳбарлар эмас, коллективнинг ўзи сўраб-суриштира бошлади. Иш ҳақи тақсимотидаги «шерикчилик» ҳам ўз-ўзидан барҳам топди.

Ўтган йили ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 210 сўмданга тўғри келди. Бунга осонликча эришилмади, албатта. Мавжуд 1060 бош қорамол боқилаётган молхонани тозалаб, чиқиндиларни чиқариш, охурига тўйимли ем-хашак солиш — ҳаммаси техника зиммасига юкланди. Озуқа цехида тайёрланган омухта ем моллар маҳсулдорлигини оширишда муҳим омил бўлди. Хўжалик билан тузилган шартномага қатъий риоя қилинди.

Хуллас, бу йил иш ҳақининг 30-40 сўмдан ошиб, ўртача 240 сўмга етиши иш унумдорлигининг ошишидан манфаатдорликни кучайтирди. М. Суяров, Ш. Зоиров ва Қ. Хўжақулов каби молбоқарларнинг астойдил меҳнатлари туфайли гўштга боқилган буқаларнинг ўртача тирик вазни 400 килограммданга тўғри келди. Ярим йиллик план уч ой мобайнида 13 тонна ортиғи билан, яъни 73 тоннага етказиб адо этилди.

Фермада меҳнатдан сўнг марокли ҳордиқ чиқариш учун душхона, ошхона, буфет ва дам олиш хоналари мавжуд. Чорвадорлар совун, шакар каби тақчил истеъмол молларини шу ернинг ўзида харид қилишади. Булар ҳам иш вақтининг тежалишига ёрдам бермоқда. Тежалган вақт беҳуда ўтмаяпти. Масалан, кўклам кириши билан ферма атрофида 3 гектарли боғ барпо этилди. Ўтказилган 260 тup мевали дарахт кўчати парвариши алоҳида эътиборда.

— Ишчи-хизматчиларимизнинг бу муваффақиятларига муайян даражада тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди ферма мудири. — Ферманинг чуқур ерда жойлашгани боис баҳорда сув кўллаб қолмоқда. Оқибатда чорвадорлар меҳнатини оғирлаштиряпти, тергайдиган раҳбарнинг кўплиги, ёрдам берадиган кишининг озлиги сабаб молхонадаги ускуналарга техник хизмат кўрсатиш гоҳо аросатда қоляпти. Масалан беданинг ҳар тоннасини 35-40 сўмдан сотиб оляпмиз. Техника воситалари баҳоси етиштирилган маҳсулот таннархига қараганда, юқорилиги боис анча харажатга тушяпмиз.

Ферма аҳлининг шу кунлардаги шижоати баланд. Аммо бу шижоат, бу тадбиркорлик қўллаб-қувватланмаса муаммолар ечими ҳамкорликда ҳал этилмаса мақсадга эришиб бўлмайди.

Ш. РУЗИЕВ.
Жиззах области.

• *Қишлоқ меъморчилиги муаммоларига бир назар*

ИМОРАТДА ҲАМ ЖОЗИБА БЎЛСА

Яшашга қулай уйлар, маданий-маиший объектлар комплексини ўзига хос тарзда чиройли ва бетакрор қуриш замона меъморчилигининг долзарб вазифаси ҳисобланади. Хўш, ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ меъморчилиги қиёфаси қандай! Уни қай тарзда эртанги кун талабларига мослаштирмоғимиз лозим!

Очиғи, республикамиз меъморлари олиб бораётган ишлар қайта қуриш талабларига жавоб бермаяпти. Маълумки, ижтимоий иншоотлар лойиҳалари маълум бир типлар асосида яратилиб, табиий-иқлим зоналарига бўлинади. Шу асосда лойиҳалар маҳаллий шароитларга мослаштирилади. Афсуски, республика Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги меъморчилик ва шаҳар қурилиши комитети томонидан ишлаб чиқилган типовой лойиҳалар жумҳуриятимиз шароитидаги ижтимоий-маданий, демографик ва халқ меъморчилиги анъаналарига кўпинча тўғри келавермайди. Масалан, район марказларида, посёлкаларда ва қишлоқларда барпо этилаётган мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, клуб ва маъмурий биноларнинг типовой лойиҳалар асосида қурилиб, уларнинг ташқи кўринишлари бир-биридан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Вилоятимиз маркази Урганчда республика лойиҳалаш институтларининг бир қанча филиаллари мавжуд. Улар Тошкентдан ташқари Москва, Киев, Олмаота ва Боку шаҳарларидаги лойиҳалаш институтлари тайёрлаб берган лойиҳаларни қисман маҳаллий шароитга мослаштириш билан шуғулланишади. Лекин филиал мутахассислари бу типовой лойиҳаларга ҳеч қандай ижобий бир ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эмас. Улар фақат иншоот пойдеворинигина бизнинг ер шароитимизга мослаб беришади, холос. Шундай экан, ўзимизда лойиҳалаш ишларини олиб борсак бўлмайдими? Ахир, мамлакатимиз марказий регионларида иқлимий зоналарга мослаб тайёрланган лойиҳалар бизнинг Ўрта Осиё шароитига тўғри келмайди-ку!

Республикамизнинг кўпчилик меъморлари билан суҳбатлашганингизда, улар меъморчилик ва шаҳар қурилиши комитетидан нолиб қолишади. Негаки, шу ташкилотнинг маъмурий-буйруқбозлиги туфайли «УзГИПросельстрой», «УзНИИПградостроительство», «ТашЗНИИЭП» сингари йирик лойиҳалаш институтлари республикамиз маҳаллий шароитларига мослаб тайёрлаган индивидуал лойиҳалари асосида қурилишни олиб бориш мумкин бўлмай қоляпти.

Тўғриси, кейинги пайтда республикамизда ижтимоий-маиший объектлар қуришда сарфланадиган норматив маблағлар ҳажми жуда ҳам камайиб кетди. Масалан, бир ўқувчи ўрнига 1100 сўм, болалар боғчаси тарбияланувчисига 1500 сўм, касалхонадаги битта ўринга 1200 сўм маблағ сарфланиши керак. Бу белгиланган нормалар Иттифоқимиз бошқа регионларига қараганда нисбатан анча паст.

Биз энг кам харажат билан болалар боғчалари, касалхона ва мактаблар қуряпмиз. Шу туфайли қураётган иншоотларимиз нари борса икки йилдан кейин яна капитал ремонт талаб қиляпти. Бирон бир лойиҳалаш институтининг ана шу «ўлчаб» берилган нормативдан ташқарига чиқишга ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам меъморлар, муҳандис ва етакчи мутахассислар ижобий изланиш асосида лойиҳа тайёрламайдилар. Бунинг ўрнига мамлакатимиз йирик шаҳарларидаги лойиҳалаш институтлари ишлаб чиққан типовой лойиҳаларга қисман ўзгартириш киритиб, белгиланган нормадан арзон нархда тайёрлаб мукофот пули олишга ҳаракат қиладилар.

Эндиликда республикамиз лойиҳалаш институтларида меҳнат қилаётган меъморлар ижодини ривожлантиришга имкон яратишимиз зарур. Токи, улар район марказлари ва қишлоқларида қад кўтараётган уй-жойлар ҳамда бошқа маданий-маиший объектлар қуришга ўзбек миллий меъморчилиги ва замонавий архитектура намуналарини жорий қиладиган бўлишсин. Бунда меъморларимиз ўзимиздаги ноёб қурилиш материаллари — мармар тош, ганч, ёғоч ўймакорлиги, пардозланган ғишт ва бошқа маҳсулотлардан фойдаланишни назарда тутишлари керак.

Биз миллий либосимизни пахта билан ипакдан тикилган жозибали газламалардан намоён қила олганимиз сингари, қурган иморатимизда ҳам миллий меъморчилик анъаналарини акс эттира олишимиз зарур.

К. РАҲИМОВ,

Қўшкўпир район ижроия комитети раисининг ўринбосари.

• *«Фотоконкурс-90»*

Ким ютаркин?

Суратказ **В. МОЛГАЧЕВ.**

Маъдан Орифжонович ТОЛИПОВ

Енгил саноат соҳасининг кекса ходими, жумҳурият аҳамиятига молик шахсий пенсионер, КПСС аъзоси Маъдан Орифжонович Толипов узоқ давом этмаган касалликдан сўнг 1990 йил 16 июнь куни вафот этди.

М. О. Толипов 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1946 йилда слесарликдан бошлади. Енгил саноат техникумини тугатганидан сўнг Тошкент пойабзал фабрикасида мастер, цех бошлиғи, пойабзалчилар ҳунар-техника мактабининг директори бўлиб ишлади.

1955 йилда партия ишига кўтарилди. Марказий Комитетнинг масъул ходими, Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи котиби бўлди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабини тугатгач, Тошкент вилоятининг партия идораларида ишлади, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг котиби, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

У 1972 йилдан 1987 йилгача Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги марказий лойиҳа-конструкторлик технология бюросининг директори бўлди.

М. О Толипов партия ва хўжалик ишининг барча жабҳаларида ўзининг ғоят меҳнатсеварлиги ва ишга ҳалол муносабати, юксак даражадаги касб маҳорати, ўзига ва бошқаларга талабчанлиги, одамларга сезгирлиги ва меҳрибонлиги билан ажралиб турарди.

Коммунистик партия ва совет давлати М. О. Толиповнинг хизматларини юксак баҳоладилар, у орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Коммунист, истеъдодли раҳбар ва ажойиб инсон М. О. Толиповнинг ёркин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари

Туткунликда 850 кун

● **Қўриқ Нишон районидаги 3-«Самарқанд» совхози ишчиси Ашур Ходимуротовлар хонадонида катта шодиёна. Онла аъзоларини бу ерга ташриф буюрган дўст-биродарлари, ҳамқишлоқлари қувончли воқеа билан қизғин табрикламоқдалар.**

Яқингинада Ашур ака ваколатли органлардан хабарнома олганди. Унда у Қобулга учиб бориши ва бу ерда Нурмамат билан учрашиши кераклиги айтилган эди:

...Афғонистонда чекланган Совет қўшинлари сафида шошилинч хизматни ўтаб юрган Нурмамат Ходимуротов 1988 йилнинг февралида постда турган пайтда йўқолиб қолган эди. Узоқ қидирувлардан сўнг Нурмамат душман отряди томонидан ушлаб олиб кетилганлиги ва афғон тўдаларидан бирида эканлиги аниқланганди.

Нурмамат икки йилу тўрт ойлик тутқинликдаги даврида бошидан кўпгина даҳшатли воқеаларни кечирди. Июнь кечаларининг бирида соат 2.00 да тўдалар жойлашган казармадан қочишга улгурди. Тоғу тош оралаб пиёда йўл босиб, Афғонистон Республикаси ҳарбий кучларига дуч келиб қолди. Дўстлар Нурмаматга беқиёс инсонийлик кўрсатдилар. Бу ҳақда Совет муассасалари ва хавфсизлик қўмитасига маълум қилинди, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлик қўмиталари ва Қашқадарё вилояти бошқармаси афғонистонликлар билан биргаликда иш олиб боришди. Уларнинг қатъий ва диққат билан олиб борган иши туфайли Нурмамат Ходимуротов асирликдан қутқарилди.

— Афғонистонга бориб асирликдан қутқарилган ўғлимни олиб келишимга катта имконият яратган, ҳукуматимиздан миннатдорман, — дейди Нурмаматнинг отаси Ашур ака қувончини яшира олмай. — Ўғлим ҳақида унинг бедарак йўқолганлиги ва бошқа ҳар хил нохуш гаплар тарқалганда ҳам умидимиз сўнмаганди. Иккинчи фарзандим Шермамат ҳам ҳозир ҳарбий хизматда. Икки қиз, тўрт ўғлимиз бор. Биз асли Деҳқонобод райониданмиз. Ўн йиллар бурун Қарши чўлига кўчиб келиб, манзил тутганмиз. Мана, эрди йўқолган фарзандимиз ҳам бағримизда, кўнглимиз тўқ.

Рўпарамизда асирликдан халос бўлган Нурмамат Ходимуротов:

— Тутқинликда юрганингизда хаёлингиздан нималар кечарди?

— Меҳрибон ота-онам, ака-ука, сингилларим, Эл-юртим, қишлоғимни кўпроқ қўмсардим. Қани, шундай кун келсаю мен она Ватанимизга ўтсам дея кечаю кундуз ўйлардим. Ниҳоят мақсадимга эришдим.

— Эндиги орзуларингиз?

— Икки йилу тўрт ойлик, кун санаш ҳисобида 850 кун тутқинлик даврида бўлган кунларимни эсласам, бошимдан ўтган воқеалардан ҳали ҳам юрагим орқага тортади. Ҳаёт мажбур қилди шекилли дари ва пушту тилларини пухта ўргандим. У ердаги одамлар билан ҳар қанча бўлса ҳам бемалол муомала қилардим. Агар кира олсам Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетида ўқимоқчиман. Келгусида ўрганган тилларим халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилса бу мен учун битмас туганмас ютуқ.

М. КАРОМОВ.

Уюшма тузилмоқда

Тошкентда Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоси арбоблари ижодий уюшмасини тузиш ташкилот комитетининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда унинг дастури, Низоми ва ташкилий тузилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Малакали кадрлар тайёрлаш, телевидение ва радиоэшиттиришларда янги йўналишларни ишлаб чиқиш, уюшма негизида ташкил қилинадиган ташкилотлар ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш—тузилаётган ижодий уюшма ўз олдига мақсад қилиб қўяётган асосий масалалардандир.

Бўлажак уюшманинг молиявий базасини унинг аъзолари тўлайдиган бадаллар, муаллифлар қалам ҳақидан ва ижтимоий фондлардан олинадиган ажратмалар ташкил қилади.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир **Р. РАҲМОНОВ.**

СПОРТ

СУЗИШ:

ҚУШ СОВРИН

● Франциянинг Кане-ан-Русийон шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада совет спортчилари муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қилишди. Халқаро классдаги спорт мастери, тошкентлик Сергей Заболотнов мутахассислар ишончини оқлади. Тажрибали спортчимиз чалқанча сузиш устаси эканлигини яна бир карра намойиш этди. У 100 метрли масофани 57,06 секундда босиб ўтган бўлса, 200 метрга 2 минут 1,67 секунд вақт сарфлади ва мусобақанинг қўш олтин медалига эга бўлди.

КУРАШ:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

● Улан-Уде шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган мамлакат чемпионати мусобақаларида таниқли полвонлар ўзаро беллашдилар. Маҳорат йўлини Тошкентда бошлаган СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Арсен Фадзаев бу safar Владикавказ шаҳар полвонлари сафида қатнашди. 74 килограмм вазнли курашчилар билан беллашган Фадзаев яна ғолиблик супасига кўтарилди. У, «Энг яхши курашчи» совринини ҳам қўлга киритди.

ФУТБОЛ:

НАФСИЗ ҒАЛАБА

● Жаҳон чемпионатининг иккинчи гуруҳига кирувчи коллективлар ўртасида саралаш ўйинлари якунланди. Икки ғалаба, 4 очко билан нимчорак финалга йўлланмани нақд қилиб олган Камерун футболчилари сўнгги учрашувни СССР терма командаси билан ўтказишди. Бу ўйинда совет футболчиларининг омадлари юришиб, дарвозага тўртта жавобсиз тўп киритишга муяссар бўлдилар. Лекин бу ғалаба футболчиларимизни курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишларига имкон бермади. Боиси, Руминия —Аргентина командалари ўзаро биттадан тўп киритиб, учтадан очколи бўлишди. Шундай қилиб, Руминия нимчорак финалга чиқди. Жаҳон чемпионлари эса бундай имконият эга бўлиш учун яна бир учрашувда ўзига хос имтиҳондан ўтишларига тўғри келади. СССР терма командаси чемпионат билан хайрлашадиган бўлди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

КАФЕДРАЛАР БУЙИЧА

профессор-ўқитувчилар таркибидаги ва илмий ходимлар бўш лавозимларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: табиий факультетларда инглиз тили, ижтимоий факультетларда немис ва француз тили, амалий математика, ҳисоблаш математикаси, ЭҲМ ва дастурлаштириш, квантли радиофизика юқори моллекулали бирикмалар кимёси ва технологияси, иқтисодий география, геодезия ва хариташунослик, жиноий жараён, ҳинд филологияси, хитой филологияси, афғон филологияси, рус ва ўзбек журналистикаси тарихи, фалсафа-иқтисод факультетида фалсафа, янги ва энг янги тарих, фуқаро мудофааси туркуми бошлиғи;

профессорлар: табиий факультетларда сиёсий тарих, партия совет матбуоти назарияси ва амалиёти, фалсафа-иқтисод факультетида социализм назарияси, археология, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика;

доцентлар: ижтимоий факультетларда сиёсий тарих (2), табиий факультетларда сиёсий тарих (2), ижтимоий факультетларда фалсафа (2), ижтимоий факультетларда сиёсий иқтисод (3), табиий факультетларда сиёсий иқтисод, атеизм тарихи ва назарияси, ижтимоий факультетларда немис ва француз тиллари (3), ижтимоий факультетларда инглиз тили, жисмоний тарбия ва спорт эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, ҳандаса ва топология, математик таҳлил, математика ўқитиш методикаси, яхлит муҳит механикаси, умумий механика, ҳисоблаш математикаси, амалий математика ва механика факультетида умумий математика (3), физика факультетида олий математика, юқори моллекулали бирикмалар кимёси ва технологияси (2), ноорганик кимё, таҳлилий кимё, синтетик полимерлар кимёси, одам ва ҳайвон физиологияси, атроф-муҳит биофизикаси ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, умуртқасизлар зоологияси(2), умуртқалилар зоологияси, гидробиология ва ихтиология (0,5), қуруқлик гидробиологияси (2), петрография (2), ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси, рус адабиёти (2), давлат ва ҳуқуқ тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, маъмурий ва молиявий ҳуқуқ, фуқаро ва хўжалик ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ, жиноий жараён (2), криминалистика (2), араб филологияси, услуб ва таҳрир (2), чет эл адабиётшунослиги ва танқиди, тайёрлов факультетида рус тили, умумназарий фанлар, фалсафа-иқтисод факультетида фалсафа (2), Ўзбекистон халқлари тарихи, СССР тарихи, этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, геофизикавий тадқиқот усуллари (1,25);

катта ўқитувчилар: социализм назарияси (2), ижтимоий факультетларда рус тили, ижтимоий факультетларда немис ва француз тиллари, ижтимоий факультетларда инглиз тили (2), фуқаро мудофааси, ҳандаса ва топология, ҳисоблаш математикаси (2), синтетик полимерлар кимёси, умумий геология, рус адабиёти, рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси (2), инглиз филологияси, немис филологияси, фалсафа-иқтисод факультетида сиёсий иқтисод, фалсафа ва мантиқ тарихи, руҳшунослик, СССР тарихи, этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, ижтимоий факультетларда сиёсий тарих, математика ўқитиш методикаси, Совет ҳуқуқи, агрокимё, география ўқитиш методикаси, меҳнат ҳуқуқи, атмосфера физикаси;

ўқитувчилар: табиий факультетларда сиёсий иқтисод ижтимоий факультетларда рус тили (2), табиий факультетларда рус тили, табиий факультетларда немис ва француз тиллари, жисмоний тарбия ва спорт, фуқаро мудофааси (4), тиббий ҳамширалар тайёрлаш бўлими (3), география ўқитиш методикаси, иқтисодий география, инглиз филологияси, француз филологияси, ижтимоий факультетларда сиёсий тарих, рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси;

ассистентлар: математика факультетида умумий математика, амалий математика, умумий механика;

етакчи илмий ходим: қўзғатиш билан В4 ли кўпканалли CO_2 лазерини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш (0,5);

илмий ходимлар: «Юза модда атом заррачаларининг парчаланишида заряд ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқотлаш» илмий-тадқиқот гуруҳи (2);

катта илмий ходимлар: «полимерлар кимёси муаммоли лабораторияси, «Ислом — фалсафий ва адабий нуқтаиназар» илмий тадқиқот гуруҳи, «Юза модда атом заррачаларининг парчаланишида заряд ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқотлаш» илмий-тадқиқот гуруҳи (2), «қўзғатиш билан В 4 ли кўпканалли CO_2 лазерини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш», давлат бюджет мавзуи бўйича, «Полимер ярим ўтказгичлар ва ферромагнетиклар кимёвий физикаси» илмий тадқиқот лабораторияси, «Топширилган хоссалар комплекси билан полимер материаллар яратиш ва тадқиқотлаш» илмий-тадқиқот гуруҳи;

кичик илмий ходимлар: «Мембраналар биофизикаси» илмий-тадқиқот лабораторияси, тиббий полимерлар илмий-тадқиқот лабораторияси (4), полимерлар кимёси муаммоли лабораторияси (2), «Топширилган хоссалар комплекси билан полимер материаллар яратиш ва тадқиқотлаш» илмий-тадқиқот гуруҳи, «Юза модда атом заррачаларининг парчаланишида заряд ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқотлаш» илмий-тадқиқот гуруҳи, «Қўзғатиш билан В 4 ли кўпканалли CO_2 лазерини тадқиқ этиш» давлат бюджет мавзуи бўйича (0,5), «Топширилган хоссалар комплекси билан полимер материалларини яратиш ва тадқиқотлаш» илмий-тадқиқот гуруҳи.

Конкурс муддати — 30 июнгача.

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Талабалар шаҳарчаси, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг маъмурий биноси, 6-қават, кадрлар бўлими.

Телефон: 46-54-64.

Н. И. Вавилов номли Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

бўш лавозимларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

маккажўхори ва ер тути (қулупнай) экинлари бўйича **кичик илмий ходимлар.**

КОНКУРС МУДДАТИ — 24 ИЮНГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 702134, Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Ботаника алоқа бўлими.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

29 ИЮНЬ СОАТ 12.00 да

Институтга кириб ўқиш хоҳловчи абитуриентлар ва мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Институт манзилгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй (25, 54, 58, 67, 98-автобуслар; 1, 8, 10, 13, 16-троллейбуслар; 1, 2, 3, 4, 5, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Дизельная» бекати).

Халқлар Дўстлиги нишонли Тошкент халқ хўжалиги институти мазкур институтнинг қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультетини 1970 йилда битирганлар билан

УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Учрашув 1990 йили 30 июнь соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй, «Киночилар уйи»да ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ КИМЁ ИНСТИТУТИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари: таҳлилий кимё, электр кимё ва занглаш, коллоидли-кимёвий жараёнларни ростлагичлар технологияси, торфология, азотли ва биоминерал қўшимчалар кимёси, («Электрохимпром» Чирчиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида) ўғитларни технологик жиҳатдан тадқиқотлаш, токсикология, ўғитлар экологияси, илмий-ташкилий бўлим, фосфорли ўғитлар кимёси.

Конкурс муддати — 23 июнгача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700170, Тошкент шаҳар, М. Горький шоҳкўчаси, 77-уй. Телефон: 62-75-61.

ОЛМАЛИҚДАГИ 4-АВТОМОБИЛЬ ТУЗАТИШ ЗАВОДИ

тузатиш номенклатураси бўйича

1990 ИЙЛ 1 ЯНВАРГАЧА ТОПШИРИЛГАН

«МАЗ-503А» автомобиллари, «ЯМЗ-236», «ЯМЗ-238» двигателлари, «МАЗ-503А»нинг олд кўприклари, «МАЗ-503А» узатмалар қутиси бўйича

БУЮРТМАЛАРНИ **СОЛИШТИРИБ ЧИҚАДИ**

Солиштириш муҳлати — 23 июнгача.

Буюртмачилар келмаган тақдирда буюртмалар бекор қилинади ва ишлаб чиқаришдан олиб ташланади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 702400. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Октябрь майдони, 22-уй. **Телефон: 5-49-24.**

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/VI да **Боғчасарой фавворасида**, 21/VI да **Иоланта**, 22/VI да **Балет, балет, балет...** (премьера), 23/VI да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20 ,21/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера), 22/VI да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 20/VI да **Хотининнинг эри**, 21, 22/VI да **Юсуф ва Зулайҳо** (премьера).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20, 21/VI да **Лақма куёв** (премьера), 22/VI да **Фармонбиби аразлади**, 23/VI да **Знёфат.**

Ўзбекистон ССР прокуратураси раҳбарияти, коллегияси, партия, касаба қоюз уюшмаси ва аппарат жамоаси, прокуратуранинг кекса хизматчиси

Муҳиддин ШАМСИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва математика факультети жамоаси геометрия кафедрасининг доценти Х. Очиловага акаси

Мирвали ОЧИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги, «Ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти» журнали муҳарририяти ва таҳрир ҳайъати журнал бош муҳаррири Р. Т. Толиповага умр йўлдоши

Маъдан Орифжонович ТОЛИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Алгоритм» илмий текшириш институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. М. Комиловга отаси

Мирзааҳмад КОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги коллегияси министрлик қошидаги лойиҳалаш-конструкторлик ва технология бюроси жамоаси мазкур бюронинг собиқ бошлиғи, жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Маъдан Орифжонович ТОЛИПОВнинг

вафот этганлигини билдириб марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси жамоаси редакциянинг собиқ ходими

Асомиддин СУЛАЙМОНОВнинг

вафот этганлигини билдириб марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида; А—2 форматида босилади.

Р. — 01385. № 139. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12